

ОДАМЛАРНИ ТИНГЛАШ — ҳам қобилият, ҳам масъулият



▼ Сайёр қабул

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев вилоят Халқ қабулхонаси биносида аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда уларга ечим топиш мақсадида навбатдаги сайёр қабул ўтказди. Унда вилоят ҳокими билан бирга ҳудуддаги барча мутаассадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.



▼ Давра суҳбати

Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент вилояти бўлимида ижодкорлар, олимлар ва зиёлилар иштирокида муҳим маърифий учрашув бўлиб ўтди.

Кўнгил “муҳандислари” билан мулоқот

Тадбирда жамиятда маънавий барқарорликни таъминлаш, ёшлар тарбияси ва замонавий ахборот майдонида миллий қадриятларни асраш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, мамлакат тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш фақат ҳарбий қудрат билан эмас, балки жамият маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш орқали ҳам амалга оширилади. Агар ҳарбийлар юрт сарҳадларини ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилсалар, маънавият ва маданият соҳаси вакиллари инсон онги ва тафаккури сарҳадларини турли ёт ғоялар, зарарли ахборотлар ва маънавий иллатлардан асрайдилар.

Шу маънода, маънавиятчилар зиммасига юклатилган вазифа юксак масъулият ва фидойиликни талаб этади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Сайёра Файзиева, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Абдусаммад Носиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳматилла Шералиев, Чирчиқ давлат педагогика университети ректори, профессор Ғафуржон Муҳамедов, академик Абдурашид Ҳасанов ва бошқалар бугунги глобаллашув шароитида зиёлиларнинг ўрни ва масъулияти ҳақида атрофлича фикр билдирдилар.

Тадбирда сўз олган Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Сайёра Файзиева, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Абдусаммад Носиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳматилла Шералиев, Чирчиқ давлат педагогика университети ректори, профессор Ғафуржон Муҳамедов, академик Абдурашид Ҳасанов ва бошқалар бугунги глобаллашув шароитида зиёлиларнинг ўрни ва масъулияти ҳақида атрофлича фикр билдирдилар. Айниқса, ёш авлодни миллий ўзлик, тарихий хотира ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, ахборот хуружларига қарши маърифий ёндашувни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Зеро, бугунги кунда ёшлар қалби ва онги учун кураш глобал тусда кечмоқда.

Шунингдек, вилоят маънавий ҳаётини янада юксалтиришга доир қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Жумладан, ижодкор ва зиёлилар меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, жойларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, маҳаллий матбуот ва миллий контентни қў-

СОҒЛОМ КЕЛАЖАК САРИ

▼ Конференция

Нурафшон шаҳрида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) вакиллари иштирокида “Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш лойиҳаси” фаолиятини кенгайтиришга қаратилган “Ёрқин келажақ сари” мавзусида конференция бўлиб ўтди.



УМИД ВА ИШОНЧ АКЦИЯСИ

▼ Тиббиёт

Чирчиқ шаҳрида жойлашган вилоят Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Корея Республикасининг Сеул миллий университети стоматология клиникаси мутахассислари иштирокида “лаб ва танглай ёриғи” ташхиси билан дунёга келган болалар учун тиббий хайрия акцияси ўтказилди.

Қўриқда болаларнинг соғлиги чуқур ўрганилиб, жарроҳлик амалиётига муҳтож бўлганлари саралаб олинди. Улар кейинги ойларида шу тиббиёт муассасасида бепул операция қилинади.



лаб-қувватлаш, ижтимоий тармоқларда маърифий лойиҳаларни кенгайтириш, аҳоли ўртасида умумий саводхонлик ва медиа маданиятини ошириш каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

Давра суҳбати очик ва амалий руҳда ўтди. Иштирокчилар билдирган фикр ва таклифлар келгусида вилоят миқёсида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар дастурини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Мазкур учрашув жамиятда маънавий барқарорликни таъминлаш — барчамизнинг умумий вазифамиз эканини яна бир бор намоён этди. Чунки юрт тинчлиги сарҳадлар мустаҳкамлиги билан, маънавий барқарорлик эса онглал соғломлиги билан таъминланади.

Жалолиддин ЭСОНОВ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида

Буюк давлат арбоби ва саркарда, Иккинчи Ўйғониш даври — Темурийлар Ренессанси бунёдкори Амир Темури миллий давлатчилигимиз ва жаҳон тарихида беқиёс ўрин тутди.

Мустабид тузум томонидан ноҳақ қоралаб келинган бу улуг зотнинг муборак номи ва хотираси мустақиллик йилларида тарихий адолат асосида қайта тикланди. Соҳибқирон Амир Темури сиймоси миллий давлатчилигимиз тимсолига айланиб, ўзликни англаш, аёнана ва қадриятларимизни тиклаш борасида халқимизга улкан маънавий куч бағишлаб келмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темури ҳайкаллари ўрнатилгани, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Халқаро Амир Темури жамоат фондининг фаолияти йўлга қўйилгани, “Амир Темури” ордени таъсис қилингани, юртимиздаги қўлаб кўча ва хибонларга улуг аждодимиз номи берилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимиз миллий ривожланишининг янги босқичи — Учинчи Ренессансга қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Соҳибқирон Амир Темурининг шахсияти, буюк аждодимизнинг башарият тарихи ва Турон тамаддунидаги ўрни ҳамда темурийларнинг бой ва бетакрор меросини чуқур ўрганиш, юртимиз ва чет элларда кенг оммалаштириш мақсадида қарор қиламан.

1. Мақсад

1. Мазкур қарорнинг асосий мақсади буюк аждодимиз асос солган Иккинчи Ўйғониш даврининг миллий ва умуминсоний моҳияти, ёш авлодни Янги Ўзбекистон бунёдкорлари этиб тарбиялаш борасидаги улкан ўрни ва таъсирини инобатга олиб, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ташкилий-амалий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни янги сифат босқичига кўтариш ҳисобланади.

II. Ташкилий ва амалий чора-тадбирлар

2. Фанлар академияси, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Халқаро Амир Темури жамоат фондининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) жорий йилда Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш;

(б) ҳар йили апрель ойини “Амир Темури ойлиги” деб эълон қилиш ва унинг доирасида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда темуршунос олимлар, ёзувчилар ва санъаткорлар иштирокида учрашувлар, бадиий-маърифий тадбирлар уюштириш.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи темурийлар даври тарихини тизимли ўрганиш ва илмий натижаларни кенг тарғиб этиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган “йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

(а) жорий йил 9–10 апрель кунлари Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида “Амир Темури ва темурийлар тамаддунининг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамияти” мавзусида халқаро илмий конференция ўтказиш;

(б) Амир Темури ва темурийлар даври тарихи билан боғлиқ туркум китоблар, илмий ва илмий-оммабоп асарларни тайёрлаш ва чоп этиш, шу жумладан:

(i) “Темури тузуқлари” асарининг илмий изоҳли матнини форс, араб, хитой, инглиз, француз, испан ва рус тилларида чоп этиш;

(ii) “Темурийлар даврининг 100 нодир қўлёмаси”, “Темурийлар даврининг 100 нодир дурдонаси” китоб-альбомларини яратиш;

(Давоми 2-саҳифада) ►

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Тему́р таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида

(в) темурийлар даврига оид, хорижий давлатларда сақланаётган асл ёзма манбалар нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш;

(г) “Тирик тарих” лойиҳаси асосида суратга олинган, Амир Тему́р салтанатининг Европа давлатлари билан дипломатик ва элчилик алоқалари ёритиб берилган тарихий-бадий ва ҳужжатли фильмлари Испания, Франция, Буюк Британия каби хорижий мамлакатларда намойиш этиш;

(д) Темурийлар даври манбалари электрон платформасини яратиш.

4. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 мартдан бошлаб Амир Тему́р ва темурийларнинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган ҳиссасини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Буюк темурийлар” атамасининг халқаро илмий истилоҳ сифатида жорий қилинишини таъминлаш учун хорижий давлатларда “Буюк темурийлар тарихи ва маданий мероси” мавзусида тақдимотлар, медиа тадбир ва анжуманлар ўтказсин.

5. Соҳибқирон Амир Тему́р таваллудининг 690 йиллигига бағишланган тадбирларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

6. Ташкилий қўмита (А. Арипов):

(а) Соҳибқирон Амир Тему́р таваллудининг 690 йиллигига бағишланган тадбирларни (кейинги ўринларда – тадбирлар) ўтказиш бўйича масъул давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бorsин, ташкилий масалаларни тезкорлик билан ҳал этсин;

(б) тадбирлар бўлиб ўтадиган ҳудудларни ободонлаштириш ишларини, техник ва телекоммуникация ускуналари билан жиҳозланишини таъминласин;

(в) Соҳибқирон Амир Тему́р таваллудининг 690 йиллигига бағишланган почта маркалари ва конвертлар, тақвимлар ва кўргазмалар ахборот воситалари туркумини яратиш, эсдалик, қумуш ва олтин юбилей тангаларини муомалага чиқаришни таъминласин;

(г) тадбирларда қатнашувчи чет эллик меҳмонларнинг Ўзбекистонга келиб-кейтиши, уларга виза расмийлаштирилиши, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш масалаларини мувофиқлаштирасин;

(д) тадбирлар бўлиб ўтадиган ҳудудларда объектлар ва меҳмонхона фонднинг тайёрлигини таъминласин.

7. Тошкент шаҳри ҳокимлиги 2026 йил якунига қадар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан дунёдаги машҳур музейларнинг энг илгор тажрибаларини қўллаган ҳолда, Темурийлар тарихи давлат музейи биносини реконструкция қилиш, жиҳозлаш, рақамлаштириш ва янги

экспозициясини яратиш ишларини амалга оширсин.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

8. Ташқи ишлар вазирлиги Фанлар академиясининг буюртмасига асосан тадбирларда иштирок этувчи чет эллик иштирокчилар учун Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан, зарур ҳолларда, И. Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмасига тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга ажратилган бюджет маблағлари, уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

ОДАМЛАРНИ
ТИНГЛАШ –
ҳам қобилият,
ҳам масъулият

– Ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмайди, – деди вилоят раҳбари. – Ҳал этса бўладиганларига шу ернинг ўзида ечим топамиз. Қолганларини эса махсус ишчи гуруҳ жойига чиқиб ўрганади. Ҳақиқатан ҳам муаммолар ҳолат бўлса, мутасаддилар билан биргаликда ҳал қиламиз.

Олти соатдан ортиқ давом этган қабулда фуқаролардан ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, бандлик билан боғлиқ 250 дан ортиқ мурожаатлар бўлди. Уларнинг аксарияти шу ернинг ўзида ҳал этилди, айримларини жойига чиқиб ўрганиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.



Хусусан, Қибрай туманида яшовчи 74 ёшли онахон юрак хасталиги билан оғирган, бироқ моддий етишмовчилик даволанишига имкон бермаётган экан. Сайёр қабулда онахон вилоят ҳокимига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Онахоннинг илтимоси қаноатлантирилиб, даволаниши учун 10 миллион сўм ажратилди ҳамда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғига жараёни назоратга олиш вазифаси топширилди.

Таассуфки, мурожаатчилар орасида “Берсанг ейман...” қабилидагилар ҳам учради. Уларнинг мурожаатлари вилоят раҳбари томонидан рад этилди.

Шунингдек, Зойир Мирзаев мутасадди ташкилотлар раҳбарларига аҳолини қийнаётган муаммоларни фақат қабул жараёнларида эмас, балки жойларга чиқиб, фуқаролар билан мулоқот қилиб ўрганиш ҳамда имкон қадар ҳал этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берди.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири

Унда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова, Бирламчи санитария ёрдамчини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Барно Одилова, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) вакили Сато Рие, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, бош ҳамширалар, саломатлик бўлимлари мудирилари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Тадбирда юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, халқаро тажрибаларни амалиётга жорий этиш масалалари сарҳисоби муҳокама қилинди.

Хусусан, мазкур лойиҳа 2021-2026 йилларга мўлжалланган бўлиб, Навоий вилоятининг Кармана ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота туманлари пилот ҳудуд сифатида танланган эди. Бугунги кунда мазкур ташаббус республика миқёсида барча вилоятларни қамраб олмоқда. Айниқса, бирламчи санитария-тиббий ёрдам муассасалари орқали мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари ва маҳаллаларда самарали овқатланиш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, мазкур ташаббус асосида 8 нафар шифокор ва 10 нафар ҳамшира Япония давлатида ўқув сафарларида иштирок этишди. Умуман, Кунчиқар мамлакатга учта ўқув сафари ташкил қилиниб, иштирокчилар префектура ва шаҳар раҳбариятлари, тиббий муассасалар ҳамда хусусий корхоналар фаолияти билан яқиндан танишишди.

Япония тажрибасида давлат органлари, тиббиёт муассасалари ва хусу-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

сий секторнинг ўзаро ҳамкорлиги орқали соғломлаштириш чора-тадбирлари самарали амалга оширилаётгани ўрганилди. Олинган назарий ва амалий билимлар бугунги кунда аҳоли ўртасида тўғри овқатланишни тарғиб қилиш, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришда кенг қўлланилмоқда.

– Лойиҳа доирасидаги муҳим йўналишлардан бири – “EYCO” фаолияти бўлиб, у аҳоли ўртасида самарали овқатланиш таълимини тарғиб қилишга қаратилган, – дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот қотиби Марғуба Султонова. – Унга қўра, малакали мутахассислар томонидан туман тиббиёт бирлашмаларида фаолият юритаётган ҳамшираларга маҳалла аҳолиси учун овқатланиш таълимининг пилот ҳудуд сифатида танланган эди. Бугунги кунда мазкур ташаббус республика миқёсида барча вилоятларни қамраб олмоқда. Айниқса, бирламчи санитария-тиббий ёрдам муассасалари орқали мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари ва маҳаллаларда самарали овқатланиш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Лойиҳага Нурафшон шаҳри ва Тошкент туманидаги маҳаллаларнинг минглаб хонадонлари ҳам қамраб олинди, аҳолига озик-овқат маҳсулотларининг инсон организмидagi аҳамияти, мувозанатли овқатланиш тамойиллари тушунтирилди. Шунингдек, Оҳангарон шаҳридаги мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда соғлом овқатланиш бўйича махсус ўқув материаллари жорий этилди.

Айтиш жоизки, ушбу лойиҳа барча туман-шаҳарлардаги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ва маҳаллаларда изчил равишда тарғиб қилиниб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Нигора УРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири

УМИД ВА
ИШОНЧ
АКЦИЯСИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

– Жанубий Кореянинг етакчи тиббиёт мутахассислари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўрнатилган ҳамкорлик болалар саломатлигини тиклашда катта самара бермоқда, – дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Феруза Раҳматуллаева. – Шу давр мобайнида юзлаб болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, айримларида жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли амалга оширилди.

Мутахассисларнинг фикрига қўра, ҳомиладорлик даврида ўтказилган турли юқумли касалликлар ва саломатликка салбий таъсир қилувчи омиллар натижасида чақалоқларда лаб ва танглай нуқсонлари кузатилиши мумкин. Бундай ҳолатларда ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам боланинг келгусида тўлақонли ҳаёт кечириши учун муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, болаларда мураккаб ва юқори технологик амалиётлар амалга оширилади.

Бундан ташқари, акция доирасида аввалги йилларда жарроҳлик амалиёти қилинган болалар ҳам қайта тиббий кўрикдан ўтказилиб, улардаги стоматологик муаммолар бартараф этилмоқда. Зарур ҳолларда протезлаш амалиёти бажарилмоқда.

Энг муҳими, бундай инсонпарварлик ташаббуси нафақат болалар саломатлигини тиклашга, балки ота-оналарга умид ва ишонч бағишлашга хизмат қилмоқда.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

▼ Тақдимот

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев транспорт ва йўл инфратузилмасини бошқаришни замонавий босқичга олиб чиқиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш ҳамда тирбандликларнинг олдини олиш мақсадида ахборот технологиялари билан интеграциялашган интеллектуал транспорт тизими бўйича тайёрланган тақдимот билан танишди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Унда йўлларда “ақлли” светофорлар ва бошқа замонавий техник воситаларни жорий этиш орқали йўл ҳаракати бошқаруви-ни тўлиқ рақамлаштириш, шунингдек, йўл ҳаракати қоидалари бузилишини аниқлайдиган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари комплексларини ўрнатиш кўзда тутилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш “Telecom Soft” МЧЖ зиммасига юклатилган.

Интеграциялашган
интеллектуал
транспорт тизими

йўл ҳаракати хавфсизлигини
ошириб, тирбандликларнинг
олдини олади

Лойиҳа доирасида вилоят ҳудудида фото ва видео қайд этиш қурилмалари, замон талаблари даражасига мос устунлар, марказлашган ҳолда масофадан бошқариладиган светофорлар, транспорт оқимини ҳисобловчи замонавий камералар ҳамда кўзи оғиз ва имконияти чекланган фуқаролар учун овозли хабарнома берувчи қурилмалар босқичма-босқич ўрнатилмоқда. Бу орқали шаҳар ва туманлар кесимида ҳаракатни бошқариш янада самарали, аниқ ва тезкор бўлиши таъминланмоқда.

Жорий этилаётган интеллектуал транспорт тизими доирасида видеокузатув камералари ва турли сенсорлар орқали транспорт, пидеа ҳамда йўловчи оқимлари тўғрисидаги маълумотлар доимий равишда йиғилади. Ушбу маълумотлар махсус дастурий платформада таҳлил қилиниб, светофорларни бошқариш, уларнинг фазаларини реал вақт режимида автоматик мослаштириш ҳамда йўл-транспорт оқимини оптималлаштириш бўйича тезкор қарорлар қабул қилинади. Натижада тирбандликлар камайиши, йўл ҳаракати хавфсизлиги ошиши ва ҳаракатнинг узлуksизлиги таъминланиши кутилмоқда.

Шунингдек, тизим жамоат ва махсус транспорт воситалари ҳаракатига устуворлик бериш имконини ҳам яратади. Хусусан, агар ҳаракат жадвалидан четга чиқиш ҳолатлари кузатилса, “ақлли” тизим автоматик тарзда автобуслар ва махсус техникалар учун қулай шароит яратиб, уларнинг белгиланган йўналиш ва жадвал асосида ҳаракатланишини таъминлайди. Бу эса аҳолининг жамоат транспортидан фойдаланишдаги қониқлигини оширишга хизмат қилади.

Маълумотларга қўра, Тошкент вилоятда бугунги кунга қадар 7 та чорраҳада мавжуд светофор қурилмалари тўлиқ янгиланган, 8 та чорраҳада эса йўл ҳаракатини назорат қилувчи замонавий комплекслар ўрнатилган. Шундан 5 таси ҳайдовчиларнинг хавфсизлик камарини тақмаслик ҳолатини аниқловчи камералар билан жиҳозланган. Ушбу чора-тадбирлар йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш даражасини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва авария ҳолатларини камайитиришга қаратилган.

Келгуси йилларга мўлжалланган режалар ҳам аниқ белгилаб олинган. Хусусан, 2026-2027 йилларда вилоят ҳудудидаги 210 та чорраҳада светофор қурилмаларини тўлиқ янгиллаш ва уларни интеллектуал транспорт тизимига улаш режалаштирилган. Шунингдек, 50 та объектга тезликни қайд этувчи замонавий қурилмалар ўрнатилади. Бундан ташқари, 210 та чорраҳада йўл ҳаракатини назорат қилувчи қурилмалар жойлаштирилиши, жумладан, 10 таси ҳайдовчиларнинг хавфсизлик камарини тақмаслик ҳолатини аниқловчи камера-лар билан жиҳозланиши кўзда тутилган.

Мазкур ишлар натижасида вилоятда йўл ҳаракати хавфсизлиги сезиларли даражада ошиши, тирбандликлар камайиши, транспорт оқимининг самарали бошқарилиши ҳамда фуқаролар учун янада қулай ва хавфсиз ҳаракат муҳити яратилиши кутилмоқда. Шу билан бирга, рақамли технологиялар асосида бошқариладиган мазкур тизим “ақлли ва хавфсиз шаҳар” концепциясини изчил амалга оширишга хизмат қилади.

Тақдимот якунида вилоят ҳокими ушбу лойиҳа нафақат транспорт соҳасида, балки умуман туман-шаҳарлар инфратузилмасини бошқаришда янги босқични бошлаб беришини таъкидлади. Шунингдек, масъулларга ишлар сифатини қатъий назорат қилиш, жорий этилаётган тизим самарадорлигини ошириш ва аҳоли учун қулайликларни янада кенгайтириш бўйича қатор топшириқлар берди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

YANGI DAVR O‘QITUVCHISI QANDAY BO‘LADI?

Bugungi kun o‘zgarishlari tezligi nafaqat texnologiyalarni, balki ta‘lim tizimini ham yangilashni talab qilmoqda. Har bir o‘qituvchi endi faqat dars beruvchi emas, balki jamiyatni shakllantiruvchi, kelajak avlodni yuksak bilim va madaniyat bilan qurollantiruvchi yetakchi bo‘lishi kerak. Shu maqsadda yaratilgan “Kelajak o‘qituvchisi” konsepsiyasi o‘qituvchilik kasbining yangi qiyofasini ochib beradi va pedagogik ta‘limni butunlay yangicha darajaga olib chiqadi.

▼ Ta‘lim

O‘zbekistonda olib borilayotgan islohotlar bugungi kunda pedagogik ta‘limni xalqaro standartlarga moslashtirish, talabalarni zamonaviy pedagogik kompetensiyalar bilan ta‘minlash va ularni ish bozorida raqobatsbardosh qilishga qaratilgan. Endi pedagogik oliy ta‘lim muassasalari yagona tizim ostida faoliyat yuritadi, dars dastur-

lari ilg‘or metod va texnologiyalar bilan boyitilmoqda, har bir talabaga individual yondashuv qo‘llanilmoqda. Bu esa kelajak o‘qituvchisini faqat bilimli emas, balki hayotiy ko‘nikmalarga ega, ijodiy va muammolarni hal qila oluvchi mutaxassis sifatida shakllantiradi.

Chirchiq davlat pedagogika universiteti bu konsepsiyani amal-

da tatbiq etib, talaba-yoshlarni nazariya va amaliyot uyg‘unligi, innovatsion texnologiyalar hamda ilg‘or pedagogik metodlar orqali tayyorlamoqda. Universitetning xalqaro hamkorlik dasturlari talabalarga global pedagogik tajriba bilan tanishish va chet ellik ustozlar bilan birga ishlash imkonini beradi. Bu jarayon nafaqat ta‘lim sifatini oshiradi, balki yoshlar orasida o‘qituvchilik kasbiga bo‘lgan qiziqishni kuchaytiradi.

Bugun universitet bitiruvchilari xalqaro miqyosda tan olinadigan pedagog sifatida faoliyat yuritishga tayyor. Talabalar bir nechta mutaxassisslik bo‘yicha diplomga ega bo‘lib, qo‘shimcha sertifikatlar orqali

kasbiy imkoniyatlarini kengaytiradilar. Bu esa o‘qituvchilik kasbining obro‘sin yanada oshiradi va mamlakatimiz ta‘limini yangi bosqichga ko‘tarishga xizmat qiladi.

“Kelajak o‘qituvchisi” konsepsiyasi shuni ko‘rsatadiki, ta‘lim – bu faqat kitob va darslar emas, balki amaliy tajriba va ijodni uyg‘unlashtirish, o‘quvchilarni kelajak uchun yetaklovchi shaxslar sifatida tarbiyalashdir. Prezident tashabbusi bilan amalga oshirilayotgan bu yo‘nalish, o‘qituvchilikni nafaqat kasb, balki jamiyat uchun muhim missiyaga aylantirmoqda. Ushbu konsepsiya orqali har bir talaba o‘z salohiyatini to‘liq ro‘yobga chiqaradi, yangi qiyinchiliklarga

moslashadi va zamonaviy dunyo talabalariga javob beradigan yetuk mutaxassis sifatida shakllanadi.

Xulosa qilib aytganda, “Kelajak o‘qituvchisi” – bu mamlakatning bilimli va fikrli avlodini tarbiyalashdagi muhim qadam, zamonaviy pedagogik ta‘limda innovatsiya va samaradorlikni ta‘minlovchi ilg‘or modeldir. U nafaqat milliy ta‘lim tizimida, qolaversa xalqaro miqyosda ham O‘zbekistonning pedagogik salohiyatini namoyon qiladi, kelajak o‘qituvchisini bilimli, fidoyi va zamon bilan hamnafas shaxs sifatida tayyorlaydi.

Doniyor AHMADJANOV,
Chirchiq davlat pedagogika universitetining o‘quv ishlari bo‘yicha prorektori

Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги олдида



Алишер Навоий номини тилга олганимизда, аввало, буюк шоир, мутафаккир, адабиётимиз сарвари кўз олдимишга келади. Аммо унинг шахсияти фақат бадиий ижод билан чекланмайди. Навоий – давлат арбоби, сиёсатдон, ҳуқуқ ва адолат масалаларида чуқур мушоҳада юритган улў тафаккур эгаси ҳам эди.

Аслида, у нафақат қалам билан, балки давлат бошқарувидаги амалий фаолияти билан ҳам миллат тақдирига хизмат қилган нодир шахслардан бири ҳисобланади.

Темурийлар саройида юксак лавозимларда ишлаган Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатида адолат ва барқарорликни таъминлаш, зулм ва бедодликка қарши курашиш, илм-фан ва маданиятни юксалтириш йўлида бевосита саъй-ҳаракат қилган.

Бу ҳақда ҳазратнинг ижодий меросини чуқур ўрганган муҳтарам олимларимиз ўз вақтида асосли фикрлар билдиришган. Бугун буюк бобокалонимиз таваллуди арафасида уларни яна бир эслашни жоиз кўрдик.

Нажмиддин КОМИЛОВ, филология фанлари доктори, профессор:

– Алишер Навоий асарларида миллий давлатчилиги маърифатига оид мукамал концепция мужассам. У исломий адолат тамойиллари, қадимги юнон фалсафаси, фаробий таълимоти ва тасаввуф қарашларини уйғунлаштирган ҳолда яхлит давлатчилик назариясини яратган.

Муҳими, бу гоёлар фақат назарийлик билан чекланиб қолмаган. Навоий Ҳусайн Бойқаро салтанатида узоқ йиллар юқори лавозимларда ишлаб, давлат бошқаруви амалда синаб кўрди, зулм ва бедодликка қарши курашди. Унинг доно маслаҳатлари туфайли мамлакатда барқарорлик мустаҳкамланиб, илм-фан ва маданият юксалди.

Навоий давлат тақдирини шахсий масъулият деб

Миллий давлатчилик ва адолат ҳимоячиси



билди. Шу боис у нафақат шоҳга, балки шахзодаларга ҳам давлатчилик сабоқларини берди, Амир Темури аъналарини эслатиб турди. Тахт талашилар авж олган пайтларда уларни юрт яхлитлигини асрашга қарқирди. Бадиуззамон Мирзога йўллаган мактублари орқали ҳатто бир неча можароларнинг олди олингани маълум.

Айниқса, ҳокимликка тайинланган шахзодага йўллаган мактубида давлат бошқарувининг аниқ дастурини белгилайди: шоҳ қонун ва шариатга амал қилиши, раият дардини эшитиши, адолатни таъминлаши, девонда интизом ўрнатиши шарт.

Навоийнинг фикрича, подшо ҳар куни додхоҳларни қабул қилиб, мазлумларни ҳимоя қилиши, золимларни жазолаши керак. Давлат ишлари машварат билан юритилиши, ҳалол ва билимли кадрларга таяниши лозим. Ҳар бир фармон ўз вақтида бажарилиши, суҳбатчилик ва порахўрликка йўл қўйилмаслиги шарт.

Суйима ҒАНИЕВА, филология фанлари доктори, профессор:

– Ҳазрат Навоийнинг давлатчилик қарашлари марказида адолат гоёси туради. Унинг наздида адолат – давлатнинг пойдевори, золимлик эса уни ичидан емирувчи иллатдир. Шоҳ аввало Худо ва халқ олдида масъул. Агар ҳукмдор адолатни йўқотса, давлатнинг қудрати ҳам, обрўси ҳам барбод бўлади.

Мутафаккир асарларида раҳбарнинг энг асосий бурчи раиятни ҳимоя қилиш, қамбағал ва мазлумларга суянч бўлиш, золим амалдорларни жазолаш экани қайта-қайта таъкидланади. “Маҳбуб ул-қулуб”да Навоий подшоқларни “халқнинг сояси” деб таърифлайди: соя қандай паноҳ берса, ҳукмдор ҳам эл-юртни асраши шарт. Агар у халқ дардига бефарқ бўлса, подшолик маъносини йўқотади.

Асардаги қўллаб ҳикоя ва тамсиллар орқали адолатли ва золим ҳукмдор қиёси берилади. Масалан, мазлум ҳақини еган амалдорларнинг оқибати фожиа билан туғаши, одил подшо эса дуо ва эҳтиромга сазовор бўлиши бадиий мисоллар орқали кўрсатилади. Бу орқали шоир адолатни фақат ахлоқий фазилат эмас, балки давлатни сақлаб қолувчи қонун сифатида талқин этади.

“Ҳамса” дostonларида ҳам идеал ҳукмдор тимсоли доимо халқпарвар, ҳалол ва донишманд сифатида гавдаланади. У ўз манфаатини эмас, юрт тақдирини ўйлайди, қарорларни маслаҳат билан қабул қилади, мазлумнинг арзини эшитиши шараф деб билади. Золим ва такаббур подшоқлар эса, албатта, ҳалокатга юз тутди. Бу бадиий ечимлар орқали Навоий давлат тақдирини бевосита

сита адолатга боғлиқ эканини ўқтиради.

Навоий зулмини фақат ахлоқий иллат эмас, балки давлат таназзулининг бош сабаби сифатида баҳолайди. Адолатсиз жамиятда ишонч йўқолади, халқ давлатдан юз ўгиради, тартиб бузилади. Шунинг учун у раҳбарни доимий равишда виждон ва инсофга қарқириб туради.

Шу маънода, Навоий асарлари нафақат бадиий мерос, балки маънавий-сиёсий дастур, адолатли жамият қуришга даъват этувчи ҳаётий қўлланмадир.

Ҳалим БОБОЕВ, юридик фанлар доктори, профессор:

– Навоий ижоди, айниқса, унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини ҳуқуқшунослар томонидан тизимли ўрганиш ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган. Шоирнинг адолатли давлат, қонун устуворлиги, маърифатли ҳукмдор ва жамият тартиби ҳақидаги фикрлари айрим тадқиқотларда еритилган бўлса-да, бу масала узоқ йиллар тўлақонли баҳоланмади.

Бунга сабаб – шурулар даври мафқураси эди. Навоий мероси асосан синфий нуқтаи назардан талқин қилинди: “Ҳусайн Бойқаро золим, Навоий эса меҳнатқашлар шоири” каби бирқўлама ҳулосалар устун бўлди.

Аслида, Ҳусайн Бойқаро ҳам, Навоий ҳам темурийлар давлатини парчаланишдан асраш гоёсига содиқ арбоблар эди. 1469 йилдан сўнг Навоий Ҳиротга қарқилиб, арқони давлатда шоҳдан кейинги энг нуфузли лавозим – амирликка тайинланади. Демак, у давлатчилик ҳақида фақат шоир эмас, балки бевосита бошқарувда ишлаган амалдор сифатида фикр юритган.

Навоий ҳуқуқий билимга ҳам эга эди. “Мажолис ун-нафоис”да Самарқандда фикр илмидан таълим олганини ёзади. Шу боис унинг давлат ва қонун ҳақидаги қарашлари ҳам назарий, ҳам амалий асосга эга.

Бу жиҳат, айниқса, “Тарихи мулуки Аҷам” асаридеяққол намоён бўлади. Унда мутафаккир қадимги давлатларнинг шаклланиши, марказлашган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши ва таназзул сабабларини тарихий мисоллар орқали таҳлил қилади. Турон ва Хоразмни қамраб олган йирик салтанатлар ички низо ва тахт талашилар туфайли заифлашганини кўрсатиб, давлат барқарорлиги адолат ва бирликка боғлиқ эканини таъкидлайди.

Навоий олтимши беш шоҳ фаолиятини тилга олиб, уларни адолатли ва золим ҳукмдорларга ажратади. Адолатли подшоқлар даврида мамлакат раванқ топлани, золимлар ҳукмронлигида эса инқироз юз бергани ҳақида ҳулоса қилади.

Мутафаккир ўз фикрларини “Низомут-таворих”, “Насихатул-мулк”, “Шоҳнома” каби манбаларга таяниб ёзгани унинг илмий ёндашувини кўрсатади. “Ҳамса”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Вақфия” каби асарларида ҳам ҳукм-

дор масъулияти, қонун устуворлиги ва халқ манфаати устувор гоё сифатида илгари сурилади.

Султонмурод ОЛИМ, адабиётшунос:

– Алишер Навоий ўз замонасининг энг буюк ахлоқшуноси эди. Умри давомида кўп замондошларига мактублар йўллаган ва ўзининг “Муншаот” тўпламида 88 та хатни бир ерга жамлаган. Ҳар бир мактубнинг аниқ кимга ёзилгани кўпинча номаълум бўлган. Мутахассислар номалар мазмунидан келиб чиқиб, унинг кимга жўнатилаганини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Хатларнинг бир қисми, аниқки, темурий мирзолар, жумладан, Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғилларига битилган.

Ҳукмдорларга ёзилган хатларда Навоий доим панд-насихат айтиб, уларни шариат қоидалари, яъни адолат ва қонунга амал қилишга қарқирган. Мисол учун, 10-мактубда Навоий амр ва наҳй ҳақида фикр билдириб, адолатни амрнинг асоси, май ичмаслиқни эса наҳйнинг асоси деб таъкидлайди. У ёзади: “Адолат ва ичмаслиқ ҳукмдор учун бош масала бўлиши керак. Чунки яхшиликнинг каттаси – адолатдир, ёмонликлар эса кўпинча ичкилик орқали рўй беради”.

Шоир 33-мактубда ҳам ичкиликни, лоақал, ёз ойлари бўлгани учун қамайтиришни илтимос қилади, бу ҳам эҳтимом билан Ҳусайн Бойқарога юборилган хатдир. Чунки ичмаслиқ кераклиги ҳақидаги фикрдан олдин шоир подшоҳнинг унга давлат иши билан боғлиқ маслаҳатлар бўлса, бемалол айтишига рухсат берилганини эслатиб ўтади: “Ҳукм бўлуб эрдиким: «Ҳаёлинга келган давлатхоқона сўзун бўлса, айт». Сўз будурким, ҳаво исиди, улча имкони бор, чоғир ичарда риоят вожибдур”.

Давлат ва қонунчилик масаласи бўйича энг қизиқ хат – 55-мактубдир. Унда Навоий хорижий савдогарлардан закот солиғи олиш масаласини муҳокама қилади ва уларнинг мамлакатга кўпроқ келиб савдо қилишини рағбатлантириш учун жарималарни адолатли қўллаш кераклигини таъкидлайди. Бу ёзувлар Навоийнинг буюк давлатшунос ва иқтисодчи эканини кўрсатади.

Шу боис, Алишер Навоий жамиятда шоҳнинг вазифалари ва давлатчилик тартиби ҳақида аниқ тасаввурга эга эди. XV асрда гуллаб-яшнаган Ҳусайн Бойқаро даврида Навоий нафақат унинг маънавий раҳнамоси, балки амалий давлат маслаҳатчиси ҳам бўлган. Унинг панд-насихатлари, мактублари ва орзу-истаклари бугун ҳам инсоний қамолот ва адолатли давлат гоёсини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Қисқача айтганда, Навоийнинг хатлари ва фикр-мулоҳазалари – насихат ва таълимоти билан бирга, давлат ва жамият тартиби ҳақидаги амалий дастурдир. Шу боис, олимларимиз бундан буён ҳам Навоий ижоди билан яқиндан шуғулланади.

М. ЭЛМУРОДОВ тайёрлади

▼ Сарҳисоб

СИФАТЛИ УРУҒ – БАРАКАЛИ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Деҳқон ерга қадаган уруғ соғлом бўлса – ҳосил баракали бўлади, бордию сифатсиз бўлса – бутун мавсум давомидеяқ заҳмати зое кетиши мумкин. Шу боис уруғчилик устидан назорат – бу оддий текширув эмас, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Тошкент вилояти бошқармаси томонидан 2025 йилда кишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги

соҳасида кенг қамровли назорат тадбирлари амалга оширилиб, соҳада тартиб ва сифатни таъминлаш устувор вазифага айлантирилди.

Йил давомида уруғларни етиштиришдан тортиб сақлаш,

қайта ишлаш ва реализацияга ча бўлган жараёнларда жами 2 минг 848 та назорат тадбири ўтказилди. Текширувлар натижасида 2 минг 861 та қонунбузарлик ҳолати аниқланди. Бу эса соҳада ҳали ҳам эътибор ва интизом зарурлигини кўрсатади.

Муаммоларни бартараф этиш юзасидан 84 та тақдимнома киритилди, минглаб ёзма кўрсатмалар берилди, юзлаб маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Қонун талаблари писанд қилинмаган айрим ҳолатлар бўйича материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Бундан ташқари, келгуси мавсум ҳосили учун мустаҳкам уруғлик пойдеворини яратиш мақсадида минглаб гектар майдонларда дала апробацияси ўтказилди. Ҳар бир қатор, ҳар бир нав синчковлик билан кўздан кечирилди. Натижада талабга жавоб бермайдиган юзлаб гектар пахта, галла ва картошка майдонлари аниқланиб, улар уруғчилик мақомидан чиқарилди.

Шу билан бирга, 2025 йил ҳосилидан минглаб тонна пахта чигити, дон ва картошка уруғи тайёрланиб, саралаш, дорилаш

ва қадоқлаш жараёнлари тўлиқ назоратга олинди. Мутахассислар ҳар бир партияни синчилаб текшириб, фақат сертификатланган ва ишончли уруғликларни хўжаликларга етказишни таъминламоқда.

Айниқса, аввалги йиллардан қолган ва экишга яроқсиз деб топилган катта ҳажмдаги уруғликлар тарқатилишининг олди олингани фермерлар учун жиддий иқтисодий йўқотишларни бартараф этди. Бу – нафақат назорат, балки амалий ҳимоядир.

Уруғчилик – кишлоқ хўжалигининг биринчи ва ҳал қилувчи бўғини. Сифатли уруғ бор жойда ҳосил мўл, фаровонлик бўлади. Тошкент вилоятида олиб борилаётган тизимли назорат ишлари ҳар бир гектар ер, ҳар бир дон ва деҳқонлар меҳнати қадрланаётганини кўрсатмоқда. Чунки халқимиз дастурхонининг тўқинлиги айнан бугунги саъй-ҳаракатимиздан бошланади.

Ш. УСУБАЛИЕВ, Ўзгагроинспекция Тошкент вилояти бошқармаси уруғчиликни назорат қилиш шўъба бошлиги

▼ Семинар

Пискент туманида Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги вилоят бошқармаси ва бир қатор ташкилотлар томонидан фермерлар учун семинар ташкил этилди.



Агродронлар – фермерга яқин кўмакчи



Семинарда 2026 йил ҳосили учун экинган ғалла майдонларини агродронлар ёрдамида минерал ўғитлар билан озиқлантириш бўйича амалий синов-кўргазма ўтказилди. Унда замонавий агротехнологияларнинг афзалликлари, ресурслардан самарали фойдаланиш, вақт ва маблағни тежаш, шунингдек, ҳосилдорлик ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, мутахассислар агродронлардан фойдаланиш технологияси, ўғитларни аниқ меъёрларда сепиш ҳамда агротехник тадбирларни самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар беришди.

Яқунда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати



Абдулла ШЕР,
Ўзбекистон халқ шоири

Оппоқ қор зўр келар оппоқ қоғоздан,
Кўзимни аврайди тун сукунати.
Юлдузлар жаранглаб куйлар аёздан
Жойига қўйишиб қишнинг ҳурматин.

Недандир хушнуддек ярақлар ой ҳам,
Сездирмай тебранар кўкиш соялар;
Ойдинда мунгайиб, тургандек бу дам
Шудгордан бебаҳра гўзапоялар.

Камтарин товланиб фалак нуридан,
Имлагандек бўлар мен соғинган қор.
Сеҳрли оламга юрак тўридан
Аста тушиб келар қалбдаги баҳор.

Улғувор сукунат, гўзал сукунат
Тинглар-у қалбдаги баҳор-овозни,
Уйқусиз шоирга кўрсатиб ҳиммат,
Шеърга айлантираар оппоқ қоғозни.

Қор ёғади. Осмон оқлиги
Ёйилади қора тупроққа.
Чумчуқларнинг уринчоқлиги
Малол келар яйдоқ бутоққа.

Қаргаларнинг қора қувончи
Зумда тутар оппоқ оламини.

Замҳарир қиш. Ой нурида қор
Кўкиш тусга ўрганиб, қотар.
Кечагина айқирган анҳор
Муз тўнига бурканиб ётар.

Қор хуснидан рухланиб осмон,
Чайқатади юлдузларини.
Қорга чирмаб асрар далажон
Кўклам учун гул исларини.

Чет пайкалда бахтли қуёнча
Кемиради сўнги карамни.

Ховлиларда жуфт-жуфт мусича
Бир-бирини тинмай сизлайди.
Ҳар бир бола учкур, – ўзича
Яхмалақдан қанот излайди.

Юм-юмалоқ оппоқ умидлар
Бормаса ҳам ётиб нишонга,
Қизларга қор отар йигитлар
Раҳмат айтиб, бундай хуш онга.

Ҳаммаёқда руҳан ўзгариш,
Кўринг қорнинг шарофатини:
Ташқарига олиб чиқар қиш
Юракларнинг ҳароратини.

Паға-паға қор
Ёғди кун бўйи.
Тун чўқди. Бедор
Севгилими уйи.

Қўш деразаси
Чарақлар неқбахт.
Қишнинг нафаси
Чорлайди хушвақт.

Юмалоқлаб қор,
Отаман аста.
Чироқ ўчиб, ёр
Тушади паста.

Зумда таниш из
Гул солар қорга, –
Мени севган қиз
Ухшар гулзорга.

Хўп ўрабди қиш
Уни мўйнага.
Сигмас бояқш
Энди кўнимга.

Чопиб, қор отиб
Бир-бировга гоҳ,
Куламинз қотиб,
Ловуллар қотиб.

Қувончга йўқ чек,
Гўё боламинз:
Қорда лопдек
Уса оламинз.

Бош силкир бесас
Кулиб чироқлар.

Эсга солар беғубор дунё
Болаликнинг кенгликларини;
Пайдо бўлар, ана, Қорбобо
Пўстинининг буклаб барини.

Оёғида сеҳрли ковуш,
Ўтиб борар кўринмас қудрат.
Яхмалақда сирпанган товус
Қулоғингга урилар фақат...



Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Zikrilla MUHAMMAD

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uimail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 20:30.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-235.

8 410 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxona mahzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

СОҒИНИБ КУТИЛГАН УЧРАШУВЛАР

Юртимизда театр санъатини қўллаб-қувватлаш, унинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган қарор ва дастурлар соҳада янги босқични бошлаб бермоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрда қабул қилинган “Театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатда аҳолининг, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларнинг маданий ҳизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, театр жамоаларининг

▼ Қарор ва ижро

Хусусан, Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг жорий йил 3-7 февраль кунлари вилоятимиз бўйлаб ўтказилган гастроль сафари қарор талаблари ижросининг намунасидир. Вилоят ҳокимлиги ва Маданият бoshқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ижодий сафарда театр жамоасининг аҳоли билан юзма-юз мулоқоти йўлга қўйилди.

Жумладан, Бекобод шаҳридаги “Металлургия” маданият саройида бўлиб ўтган учрашувда ўзбек театр санъатининг етук намояндалари Ёдгор Саъдиев, Теша Муминов, Эркин Комилов, Тоҳир Саидов, Шарофиддин Музропов, Раъно Ярашева,

этувчи, тарбия ва маърифатга қорловчи театр санъатининг моҳиятини очиб берди. Шеър, монолог ва сахнавий образлар орқали жамиятда эзгулик, меҳр-оқибат ва маънавий баркамоллик ғоялари тарғиб этилди.

— Халқимиз санъатни, санъаткорларни қадрлайди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Саида Раметова. — Биз томошабинлар билан учрашганимизда уларнинг қувончию ташвишларини ҳис қиламиз ва ўз ижодимиз орқали руҳий ҳордиқ беришга интиламиз.

Бекобод туманининг “Маданият саройи”даги учрашув эса маҳаллий ижодий жамоалар ва театр актёрлари ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлади.

Ижодий сафар якунида ижтимоий ҳимояга муҳтож 500 нафар фуқаро пойтахтда театр томошаларини бепул кўришга тақлиф этилди.

Таъкидланганидек, бундай тадбирлар театр санъатини халққа янада яқинлаштириб, аҳолининг маънавий савиясини ошириш, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

НИГОРА ҲОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири



ҳудудлар бўйлаб гастроль фаолиятини тизимли ташкил этиш, маданият масканларидан самарали фойдаланиш вазифалари аниқ белгилаб берилган. Шу маънода, қарор ижроси фақат ҳужжатларда эмас, балки амалда ҳам ўз ифодасини топаётгани эътиборга молик.

Саида Раметова, Зухра Ашурова, Лола Элтоева ўзларининг бадиий чиқишлари билан томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлишди.

Эътиборлиси, бу мулоқотлар оддий концерт ёки сахнавий чиқиш билан чекланиб қолмади, балки инсон қалбига таъсир



▼ Ibrat



Tajriba va yoshlik birlashgan lahza

Toshkent davlat agrar universitetida “Uch avlod uchrashuvi” o'tkazildi.

Universitet rahbariyati tashabbusi bilan tashkil etilgan mazkur uchrashuvning asosiy qahramonlari O'zbekiston Qahramonlari, senator, “Nuroniy” jamg'armasi Respublika boshqaruvi raisi Sodiqjon Turdiyev, O'zbekiston Fanlar akademiyasi prezidenti, senator Shavkat Ayupovlar bo'lishdi.

Tadbirda so'zga chiqqan ta'lim muassasasi rektori Narzullo Oblomurodov bunday muloqotlar yoshlar uchun hayot maktabi ekanini, bu kabi uchrashuvlar Vatanga sadoqat, ilmga muhabbat va ma'naviy yetuklikni shakllantirishda muhim ahamiyatga egaligini alohida ta'kidladi.

Uchrashuv davomida O'zbekiston Qahramonlari o'z hayot yo'llari, ilm-fondagi izlanishlari va bugungi Yangi O'zbekistonda yoshlarga yaratilayotgan imkoniyatlar haqida samimiy fikrlar bildirishib, bilimni, tashabbuskor va raqobatbardosh avlodni tarbiyalash davlat siyosatining ustuvor yo'nalishiga aylanganini alohida qayd etdilar.



Shuningdek, universitet professori Hamidulla Sheraliyev agrar sohaning barqaror taraqqiyoti ilmiy yondashuv va malakali kadrlarga bog'liq ekanini qayd etib, bunda dual ta'lim, klasterlar bilan hamkorlik hamda amaliy tajriba imkoniyatlari talabalarni bozor talabiga mos mutaxassis etib

tarbiyalashda muhim omil bo'layotganini ta'kidladi. Tashrif doirasida mehmonlar “Renessans” ma'ruza zal-lari, zamonaviy laboratoriyalar va “Art gallery” faoliyati bilan tanishdi.

Tadbir yakunida mehmonlar tomonidan talabalarga kitoblarni topshirish amaliyoti taqdim etildi.

O'z muxbiri